

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2003 йил, 10 апрель, пайшанба № 44 (1776).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 10 апреля, 2003 г. № 44 (1776).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

О РАБОЧЕМ ВИЗИТЕ ПРЕЗИДЕНТА УКРАИНЫ В УЗБЕКИСТАН

10—11 апреля 2003 года состоится рабочий визит президента Украины Леонида Кучмы в Узбекистан.
В ходе визита предполагается проведение консультаций по вопросам, представляющим взаимный интерес.

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд кунини кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони 9 апрель кунини ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрта тонгдан оқ бу ерга турли вазирлик ва идоралар, илм-фан аҳли, санъаткорлар, ижодкорлар, фахрийлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Тадбирни Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Мухаммад Али оиди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида буюк бобоқалонимиз хотирасини абадийлаштириш, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш, маънавий меросидан халқимизни тўла баҳраманд этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизда Соҳибқирон ҳайкали қад ростлади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Пойтахтимизда муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди.

Маросимда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Тошкент давлат юридик институти талабаси Муътабар Хусанова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк бобомиз аъналарига ҳамоҳанглиги. Соҳибқироннинг ибратли фаолияти ва ўлмас мероси халқимиз, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Буюк бобомизнинг ўғитлари — Ватан ва халқ фидойиси бўлиш, истиқлолни кўз қорачигидай асраш, илм-маърифатга интилиб яшаш барчамиз учун донм

Юрт хизматига шаймиз

«Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам продаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Бу сатрлар мамлакатимиз Президентининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида битилганки, айни кунларда жойларда ўтаётган баҳорги чақирув ишлари шу фикрга ҳамоҳанг тарзда олиб бориламоқда.

Тошкент вилояти Қибрай тумани мудофаа ишлари бўлими ҳам ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Бу ерда чақирув ишларининг олиб борилиши ҳақида туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Гадигарбек Яқибжанов шундай деди:

— «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши, муайян низомлар ишлаб чиқирилиши чақирув тизimini тубдан ўзгартириб юборди. Фуқароларнинг кўпчилиги ушбу Қонуннинг моҳиятини тўла англаб етмаганликлари

ни эътиборга олиб, мудофаа бўлимининг ўзида ҳар кунини бир соатдан тушунтирув ишларини олиб бораёلمиз. Шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари билан мунтазам алоқада бўлиб, қишлоқ фуқаролар йиғинлари белгиланган кунларда бориб, аҳоли ўртасида кенг тушунтирув ишлари ўтказиламоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги тарзда ўтказилаётган чақирув ишларида анчайин енгиллик яратади.

Чақирилувчилар танлов асосида олиниши ҳақида кўпчилик аниқ тасаввурга эга эмас. Шунини таъкидлаб ўтмоқчимизки, аввало кўриктанловда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритиш лозим бўлади. Чақирилувчи саломатлиги ва ижтимоий аҳволи жиҳатидан ҳарбий хизматга яроқли бўлсагина, кўриктанловдан ўтади. Чақирилувчиларни танлашнинг — саломатлик, билим, интеллектуал даража, ижтимо-

(Давоми 2-бетда).

Ижтимоий мажмуа мажлиси

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг 2003 йил биринчи чорақ якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг бориши муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур дастурда белгиланган ишлар, хусусан, маҳаллаларни ободлаштириш бўйича ўтказилган умумхалқ ҳашарининг натижалари, Наврўз умумхалқ байрамининг нишонлангани ҳамда дастурда кўзда тутилган бошқа тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Шунингдек, «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ўқувчилар спартакиадаларига тайёргарликнинг бориши

ва «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» фаолияти ҳақида фикрлашиб олинди. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омил бўлган спортини ривожлантиришга, оммавийлаштиришга, маҳаллаларни болалар спортининг масканларига айлантириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Матлумви, Президентимиз ўтган ойда Ўзбекистон тарихи Давлат музейига ташириши чоғида музей фаолиятини такомиллаштиришга доир қимматли маслаҳатлар берган эди. Хусусан, музей экспозициясини Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган миллий давлатчиликнинг тараққиёт босқичларини кўрсатиш бош концеп-

циясидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ноёб экспонатларни мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли нашрларда тарғиб этиш, уларни чет эл музейлари ва бошқа кўргазмаларда намойиш этишни уюштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Мажлисида музей жамоаси томонидан бу борада олиб бориладиган ишлар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мажлисида «Ўзбектуризм» миллий компаниясида ислохотларнинг бориши, шунингдек, Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).



Уқчи оддий аскар Алишер Акрамов қишқи ўқув мавсумида ўз ҳаракатчанлиги ва тиришқоқлиги билан кўп натижага эришди. У армияга эндигина чақирилган пайтда турникда 5-6 марта тортилар эди. Ҳозир эса Алишер 13-14 мартагача тортилади.

Яқинда бўладиган синов имтиҳонларини оддий аскар Акрамов аъло баҳоларга топиришни ният қилган.

Александр МРУЧАК суратга олган.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мuddатли ҳарбий, муқобил хизматининг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни Қуролли Кучлар сафидан бўшатиш ва навбатдаги чақирув тўғрисидаги Қарори яқинда матбуотда эълон қилинди. Бундан буён чақирув Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий

хизмат тўғрисида»ги Қонунга асосан олиб борилади. Муштарийларимизни Қуролли Кучларимиз сафига 2003 йил баҳорги чақирувда бўладиган ўзгаришлар билан чуқурроқ таништириш мақсадида «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи пол-

ковник Ботир Исроилович Мирзамухамедов билан бевоСИТА мулоқот уюштирмоқда.

2003 йил 12 апрель, шан-

ба кунини соат 11.00 дан 13.00 гача сиз таҳририятимизга:

56-07-80
56-17-98
56-04-60

телефонлари орқали мурожаат қилишингиз ва ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича тўлиқ ахборот олишингиз мумкин. Бошқа шаҳарларда яшовчилар учун Тошкент шаҳри коди —

371-2 эканлигини маълум қиламиз. Узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар махсус алоқа линияларидан фойдаланишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Шунингдек, олдиндан таҳририят манзилига саволларингизни Ёзма равишда юборишингиз ҳам мумкин.

Ҳурматли муштарийлар, сизнинг хат ва кўнгиноқларингизни кутамиз!

ТАҲРИРИЯТ.

● СИНОВЛАРГА ҲОЗИРЛИК АВЖИДА

Ишончлари мустаҳкам

Катта ўғли Украинга — ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун йўл олганида Отаул ака дуога қўл очар экан, «амакиларига тортиди, ҳарбий бўлмоқчи экан, илоҳим омадини берсин», деган ўй хаёлидан ўтди. Мана бугун ўғли Олимжон майор унвонида. Мамлакат Қуроли Кучларига хизмат қилиб, юрт ҳимояси йўлида жавлон урмоқда. Буни қарангки, уч ўғилдан яна бири — Отабек ҳам ушбу соҳага кириб, акиси изидан борди. Яъни, профессионал бўлди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Ходиев ҳақида сўз очгудек бўлсангиз, жамоада посбонлар уни баралла «устозимиз» дейишади. Сабаби оддий. Тажрибали бу ҳарбий капитан Асомиддин Қўчқоров етакчилиги қилаётган взводда старшина вазифасида, Старшина масъулиятини яхши билмади. Уни командирнинг ўнг қўли десак-да, хато бўлмайди. Ахир, посбонлар билан энг қўп иш олиб борадиган кичик командир шу-да. Дейлик, старшина жамоада ҳарбий интизом ва ички тартибнинг сақланиши, взвод қуроли-аслаҳаси, жанговар техникаси ва бошқа мулкни сақланиши учун масъул. Взводдаги кичик командир ва аскарларнинг туғридан-туғри бошлиғи ҳам у. Вазифаларидан айримларини яна санайдиган бўлсак, старшина жанговар тайёргарлик бўйича машғулотларни зарур парсалар билан таъминлашга, жамоадаги аскарларнинг исм-фамилияси, шахсий сифатларини билиб, уларга доимо ғамхўрлик кўрсатишга, нарядлар юритилишидаги аниқликни текширишга жавобгар. Хуллас, вазифаларидан кўриниб турибдики, жамоадаги посбонларнинг жанговар шайлиги, руҳий ҳолати кўп жиҳатдан взвод старшинасига боғлиқ. Қўл остидагилар «устоз» дея эътироф этишяптими, демак кичик сержант Ходиев ўз вазифасини виждонан ўқдаламоқда.

Олти йилдири, Отабек шартнома бўйича хизматда. У механик-ҳайдовчи вазифасида ҳам хизмат қилди. Таъминот гуруҳига командир бўлди. Хуллас, ҳарбий ҳаётнинг пасту баландини ўрганди. Мана, икки йилдири, взвод старшинаси. Тўғри, ўтган бу муддат давомида взвод шахсий таркибининг жанговар шайлиги даражаси

бирмунча ошиб, интизом мустаҳкамланди. Якунига етиб бораётган ушбу мавсум машғулотларида эса жамоа шунқорлари батальонда энг яхши натижаларга эришишди. Ҳадемай бошланажак синовларда ҳам юксак натижаларга эришишига ишончлари мустаҳкам.

— Айниқса, кичик сержант Марат Ҳисомов, оддий аскар Шавкат Журабоев, Улуғбек Муҳаммадобеяларнинг экипажларидан кўнглим тўқ. Синовоқди дала-ўқув машғулотларида тажриба ва маҳоратлари юксак эканлигини исботлашади,

Ҳарбийликка ҳавас қонимизда бор. Амаким Аваз Ходиев шартнома бўйича хизмат кичик сержанти, яна бири захирага чиққан. Буларнинг изидан акам эргашиб кам бўлмади. Бу йўлни давом эттираётганимдан хурсандман. Ҳозирги эгаллаган вазифам анча масъулиятли. Бунда ҳар бир посбон билан яқка тартибда ишлаш, уларнинг имкониятларини ўрганиш талаб этилади. Узлаштириш, иқтидор ҳаммасида ҳам бир хил эмас. Оммавий ахборот воситаларидан қақирув моҳияти тубдан ўзгаргани ҳақида маълумотлар олаяман. Демак, энди сафларимизга ҳар томонлама мукамал, баркамол йигитлар келади. Илгари бир ярим йил давомида ҳарбий соҳа сир-асрорларини ўргатган бўлсак, энди янги таҳрирдаги Қонун бўйича бу муддат бир йилга қисқартирилди. Шу боис ана шу вақт мобайнида биз посбонларга ҳарб илминини пухта ўргатишга ўзинини тайёрлашимиз керак. Негани, профессионал асосда қурилаётган армия талабларига жавоб берадиган аскар маънавияти юксак, вамавий техника, қуроли-аслаҳаларни моҳирона эгаллаган бўлиши лозим.

Синовларга ҳозирлик ҳақида тўхталадиган бўлсам, мен кўпроқ қўл остидаги аскарларнинг саф кўриги бўйича тайёргарликларига эътибор қаратаяман. Ишонтириб айтаманки, мазкур тайёргарлик ва бошқа машғулотлардан кўзланган натижаларга эришамиз, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Ходиев.

Капитан
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ТЕХНИКЕ — ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

Подготовились основательно

Успешно сдали зачеты перед началом перевода техники на режим весенне-летней эксплуатации подчиненные капитана И. Рустамова. Сержанты по контракту З. Намалов и Р. Хакимов, младший сержант по контракту И. Омонов и их сослуживцы показали хорошее знание и готовность к предстоящей работе на вверенной им боевой технике.

— Нашему коллективу, — рассказывает водитель-инструктор сержант Ю. Эшонкулов, — этой весной предстоит выполнить немалый объем работы: проверить состояние всех систем двигателя, провести необходимые регулировки, осуществить смазочные работы в полном соответствии с картой смазки. Используя необходимость разборки некоторых агрегатов и деталей, можно будет особенно тщательно прове-

рить и подтянуть крепления в тех местах, доступность к которым при обычном обслуживании затруднена. Словом, каждый должен творчески подойти к выполнению сезонных работ, чтобы быть полностью уверенным в своей технике.

— В нашем подразделении немало военнослужащих-профессионалов, настоящих мастеров своего дела, — поделился своими впечатлениями после сдачи зачетов механик-водитель, сержант по контракту И. Мавлянов. — Все они очень серьезно подошли к подготовке к предстоящим работам, помогали менее опытным водителям и специалистам. Авторитет механика-водителя зарабатывается годами упорного труда, и никто не хотел уронить его перед лицом строгой комиссии. Тем более что от того, насколько качественно про-

ведем мы все запланированные работы, зависит боеготовность техники и успешное выполнение поставленных подразделению задач в летнем периоде обучения.

Заместитель командира части по вооружению подполковник А. Юсупов доволен итогами принятых зачетов. Все подразделения, как показала проведенная в парке боевой техники проверка, готовы к предстоящим сезонным работам, как и специально созданные бригады из наиболее опытных специалистов для выполнения наиболее сложных и требующих высокой квалификации работ.

— К выполнению поставленной задачи готовы! — такой итог большой подготовительной работы, проведенной личным составом подразделения и технических служб части накануне перевода техники на режим весенне-летней эксплуатации.

Лейтенант
Хасан МИРЗАЕВ,
контр. «Ватанпарвар».



Маълумки, энг катта жанговар вазифалар самолётлар ва вертолётлар ёрдамида бажарилади. Шунинг учун бизнинг ҳарбийларимиз бу ҳаво техникасини ўқишга тайёрлашга жиддий эътибор қаратадилар. Полигон бошлиғи ўринбосари капитан Музаффар Машарипов ва шартнома бўйича хизмат сержанти Баҳодир Ҳайдаровлар бу борада катта тажрибага эга.

Александр МРУЧАК суратга олган.

ПРОВЕРКУ — НА ОТЛИЧНО

Считанные дни остались до сдачи контрольных экзаменов за зимний период обучения. Поэтому неудивителен тот факт, что все дела и помыслы воинов направлены на успешную сдачу контрольной проверки.

Один из тех, кто решил получить высокие оценки по всем предметам обучения и тем самым сохранить свое звание отличника боевой и общественно-политической подготовки, — военный водитель рядовой Ше-

рари Бойматов.

— Мы в течение всего зимнего периода, не теряя ни минуты, серьезнейшим образом занимались боевой учебой, — говорит рядовой Бойматов. — Поэтому я уверен в себе и в своих сослуживцах. Ведь экзамен — это лишь проверка себя на боевую зрелость. А в преддверии увольнения в запас я не имею морального права не получить отличные оценки.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Юрт хизматига шаймиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

ий аҳволи, жисмоний тайёргарлик даражаси, барқарор руҳий ҳолат каби асосий мезонлари мавжудки, бу нафақат ёшларни, балки уларнинг ота-оналари эътиборини ҳам жалб қилмоқда. Бу ҳақда Чинобод фуқаролар йиғинидан қақирилувчи Аҳбор Муратовнинг онаси Гулстон Муратова шундай дейди:

— Бўлиб ўтган танловда ўғлимнинг муваффақиятини кўриб бошим осмонга етгудек бўлди. Қувонмай бўладими, бир ўрин учун тўрт киши даъвогарлик қилмоқда. Ўғлимга ишонардим, танловдан сўнг бу ишончим янада мустаҳкамланди. Аҳборжон берган оқ сутимни оқлаб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан ўтаб, ёруғ юз билан қайтишига ишончим номил.

Юз-кўзларида ёшликка хос самимийлик, шижоат акс этиб турган қақирилувчи Аҳбор Муратов ҳам онасининг фикрини тасдиқлагандек, танловда эришган муваффақиятидан мамнулигини яшириб ўтирмади:

— Олдимизда ҳали яна синовлар бор. Аммо бу нарса мени ҳўчтмайди. Кўнглик тенгдошларим қатори Ватан ҳимоясини бўлишдан шарафга сазовор бўлишимга ишонаман ва бундан гуруҳланаман. Юрт хизматига ҳамиша тайёрман!

— Дўстим мени кўнглимдаги гапларни айтди, — деб суҳбатга қўшилди қақирилувчи Кумуш Дўсжанов. — Болалик орзун чегарачи бўлиш. Машинасозлик касб-ҳунар коллежини тамомладим. Бор билимим, куч-гайратимни Ватан хизматига бағишлашни юксак шараф деб биламан.

Азиз ёшлар, Ватан ҳам сиздек қайноқ қалбли фарзандлари билан фахрланади!

Инobat
ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● НАВСТРЕЧУ КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКЕ

Результаты всееляют уверенность

Программа предстоящей контрольной проверки составлена с таким учетом, чтобы выявить истинный уровень готовности подразделений к выполнению поставленных задач, а потому неудивительно, что в оставшееся до начала главного экзамена полугодия время командиры всех степеней стремятся еще раз убедиться в том, что их подчиненные целиком и полностью усвоили тот или иной предмет обучения. В связи с этим повсеместно проводятся контрольно-проверочные занятия, дающие возможность четко определить как сильные, так и слабые стороны каждого военнослужащего. Особенно отчетливо проявляются они тогда, когда группа или взвод действуют в полном составе и где недоработка даже одного военнослужащего может отрицательно сказаться на конечном результате.

В полной мере убедились в этом подчиненные старшего лейтенанта Дильмурода Бекмуродова на проводившихся недавно взводных тактических учениях с боевой стрельбой. Несколько опережая события, замечу, что серьезных недостатков посредники не выявили, наоборот, при подведении итогов они неоднократно отмечали, что и офицеры, и личный состав получили хорошие практические навыки, которые служат им хорошую службу при сдаче контрольной проверки.

Тема этих учений была довольно актуальной: «Действие взвода при блокировании и уничтожении мелких групп бандформирований», а это означало, что командиру предстояло отойти от устоявшихся шаблонов тактической подготовки и действовать с учетом современных требо-

ваний ведения боевых действий.

Недавнему выпускнику ТВОКУ старшему лейтенанту Бекмуродову пришлось немало потрудиться, чтобы в совершенстве отработать документацию и направить действия своих подчиненных в нужное русло. Труд офицера окупился сторицею. Безупречно сработала головная походная застава под руководством лейтенанта Расула Сабирова, сумевшая вовремя обнаружить «противника» и навязать ему бой, тем самым дав возможность развернуться основным силам. Не сплосховали и группы под командованием лейтенантов Абдукарима Ахадова и Ахата Ходжиханова. Несмотря на сложность обстановки и постоянно поступающие от руководителя учений вводные, они сумели занять выгодные рубежи и нанести противоборствующей

стороне значительный урон. Настоящими профессионалами зарекомендовали себя воины-мотострелки на последнем этапе, где им предстояло продемонстрировать свою огневую выучку. Систематические занятия в ходе зимнего периода обучения дали о себе знать. Мишенная обстановка состояла из девяти точек трех целей, и практически все они были поражены.

— Результаты впечатляют, — говорит командир батальона майор Гайрат Мамедов, — а главное, всееляют уверенность, что и на контрольной проверке воины будут действовать также грамотно и хладнокровно, что позволит им получить высокую оценку и тем самым внести весомый вклад в общий успех коллектива.

Подполковник
Ярослав КОПУКА.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● АСКАРДАН МАКТУБ

Унга уйланмоқчи эдим

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари. Мен ҳозирда ўз йигитлик бурчимни ўтаётман. Барча аскар йигитлар қатори мен ҳам «Ватанпарвар» газетасининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман.

Исмим Жўрабек. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда Х. исмли қизни севадим. Унга бир қанча ишқий мактублар ёзганман. Бироқ у жавоб хати ёзмади. Мен ундан «Нимага хатларимга жавоб ёзмайсиз» деб сўрасам, «Хат орқали севги изҳор қилишим шартми?» деб кулиб қўя қоларди.

У мен билан дўстона суҳбатлашар, унинг муносабатларидан мени севишини билди турардим. Бу орада ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат топширдим. Имтиҳонларга тайёргарлик билан овора бўлиб, Х.ни бир ойча кўролмадим. Уни кўриш учун борганимда эса Х. мен-

га қайрилиб ҳам қарамади. Мен бу ҳолатга тушуновмай ҳайрон турардим. Қани олдинги шўх кулишлар, ҳазил қилишлар... «Сенга нима бўлди», дея сўрасам, «Энди бошқа келманг», деб айтди. Менинг ҳам йигитлик гурурим банд келди, уни кўрсам тескари қараб ўтадиган бўлдим. Бу орада «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиб, хизматга қақрилдим. У эса ҳаёлимдан бир зум бўлса-да, кетмасди. Унинг ҳаёли билан бўлиб, хизмат машаққатлари биланмасди менга. Хизматни ўтаб борсам албатта унга уйланман, дея аҳд қилгандим. Аммо орзуларим саробга айланди. Бир ўртоғимдан Х.нинг август ойида тўйи бўлганлиги тўғрисида хат келди. Бейхитёр хатни чангаллаб, ерга ўтириб қолдим. Шунда сафдошларим «Сизга нима бўлди, ўртоқ сержант?» дея сўрашди. Мен

эса бошимни эгганча, «ҳеч нарса» деб қўя қолдим. Шу пайтда мен ўзимни бечора-ҳол, севгисиз поймол бўлган йигит эканлигимни қайси юз билан айта олардим.

Ҳаёлим маликаси Х. Сиз ўз бахтингизни топган бўлсангиз, албатта бахтли бўлинг. Оллоҳдан сизга тўйингиз бахт тилайман. Сизнинг бахтингиз менинг бахтим. Мен эса бошқа бир қизни энди севолма-сам керак. Чунки кўз ўнгимда ҳамон сиз кулиб турибсиз. Агар ушбу ёзганимни газета саҳифаларида ўқиб қолиб мендан хафа бўлсангиз, сиздан узор сўрайман. Чунки ҳақиқат аччиқ бўлади.

Ҳурматли таҳририят ходимлари, ушбу мактубни «Аскардан мактуб» руқнида чоп этишларингизни истардим.

Илтимос билан кичик сержант Ж. АЛЛАНАЗАРОВ.

Азиз муштарийлар! Жўрабекнинг севги изтироблари битилган номасига ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз, деб умид қиламиз ва мактубларингизни кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ.


● ЭТО ИНТЕРЕСНО

МИР КНИГИ

◆ Александр Македонский всегда брал в свои походы «Илиаду и Одиссею» Гомера и произведения других выдающихся греческих авторов.

◆ Ученым удалось установить, что сборник ранних стихов Алишера Навои пять веков назад хранился в личной библиотеке великого узбекского поэта. Книга выполнена золотом на шелковой бумаге, каждая из ее страниц украшена орнаментом. Этот сборник был переписан известным восточным каллиграфом Султанали-Мешхеви в 1465 году.

◆ У постели умирающего Пушкина стояли Крылов, Гнедич и Жуковский. Очнув-



шись после забытья и пристально глядя на книги в шкафах, поэт произнес: «Прощайте, мои друзья!». Это были его последние слова, и они были обращены не к трем писателям, а к книгам. Поэт умер, глядя на книги.

◆ В книжном фонде Государственной библиотеки

Узбекистана имени Алишера Навои хранится самая маленькая по своей величине книга — «Басни Крылова», изданная в 1855 году. Размер ее переплета — 30/25 мм, страниц — 28/22 мм. На титульном листе портрет Крылова размером 16—12 мм, потом гравированная рамка в овале «Басни И. Крылова». Затем следует на 86 страницах 23 басни, набранные микроопическим шрифтом, называемом диамант.

◆ У одного медицинского здания в Ташкенте возвыгнут памятник великому Абу Али ибн Сино, а рядом с ним изваянные из мрамора несколько творений скульптора в форме книг — бессмертного труда Ибн Сино «Канон врачебной науки».

Подготовил Павел СИЛИН.

● ФОНДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

Пиёз

Барча сабзавотлар ўртасида пиёз ўзининг фойдали хислатлари билан ажралиб туради. Пиёз долағудошларга мансуб бўлиб, бир паллани кўп йиллик ўсимон ўсимликдир. Пиёзнинг бош қисмида олтингугурт бирикмалари эфир майлари, қанд-глюкоза, фруктоза кўринишида каротин, С витамини, йод, фитонцидлар мавжуд. Кўкатида эса эфир майлари, С, В² витаминлари, каротин, лимон ва олма каби органик кислоталар мавжуд.

Ичакнинг қаттиқ оғриғида, колит, атеросклероз, гипертония, авитаминоз, тумов, чипçon касалликларида пиёзнинг фойдали таъсири беқийсдир. Шамоллаганда, грипп билан оғриганда пиёз сувидан томизилса, жуда яхши натижа беради. Пиёз киши организмда қанд миқдорини камайтириш хусусиятига ҳам эга. Серпиёз суяқ овқатлар қанд касали билан оғриган беморларга тавсия этилади. Пиёз бўтқаси тери куйганда ва совуқ урганда ижобий натижа беради: бўтқани тоза чит матога ўраб жароҳатга қўйилса, уни иллатдан халос этади, чала пишirilган пиёз бавосилга малҳам бўлади. Шунингдек, пиёз бўтқаси юздаги доғ, ҳуснбузарларни йўқотишда яхши ёрдам беради. Барра



пиёз таомни ҳазм бўлишини яхшилади, соч тўкилишини дасрайди. Барра пиёз шарбатининг қанд билан омуктаси организмни мустаҳкамлайди. Пўталга қарши фойдаланиш учун 1 стакан сутга 2 дона ўртача катталикдаги пиёзбошини майда тўғраб солиб қайнатилади ва 4 соат қўйиб қўйилади. Қайнатмадан кунга бир ош қошиқдан ҳар 2—3 соатда ичиб турилади.

З. ИСАКОВА тайёрлаган.

● ТУРФА ОЛАМ

СОҚОВЛИКНИНГ ДАВОСИ

Бу воқеа Саудия Арабистонинда яшовчи 25 ёшли қиз билан содир бўлди. У 5 ёшлигида соқов бўлиб қолган эди. Ота-она ноилж қиздан 2 баравар катта ва хунук кўв топиб, у билан бўлажак тўйни гаплашаётган эди. Шу пайт қиз: «Бу ҳақда ҳатто гап бўлиши мумкин эмас, мен барибир унга ҳеч қачон турмушга чиқмайман!» — деб бақириб юборди. Шу дақиқадан бошлаб у ҳозирга қадар бемалол гапирмоқда.

ХОТИНИНГ БОРИ ЯХШИ

Дарвоқе, уйда хотин бўлмаса, эркак учун ҳаёт «ит ётиш, мирза туриш»дан иборат бўлиб қолади. Унинг нафақат қўли ишга бормайди ёки кунлари зеринарли ўтади, балки умри ҳам...

...Ҳа, АҚШ Дюкс до-рпфунуни мутахассислари 4500 киши ўртасида ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, хотинсиз эркаклар оилани эркакларга қараганда кўп касалланишаркан, айниқса, гипертония (артерияда қон босимининг ошиб кетиши), асабийлик ва турли яралардан азоб чекишаркан. 30 йил аёл билан бирга яшашнинг ўзиёқ эркак умрини беш йилга узайтиради. Бироқ, аёلسиз ёлғиз яшаш умри 10—15 фоизга қисқартириши тадқиқотларда аниқланди.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ғайриоддий зотилжам хавфи



Март ойида Хитойнинг жануби-шарқий вилоятлари ва унга қўшни мамлакатларда пайдо бўлган номаълум касаллик тарқалишини тўхтатишнинг имкони бўлмапти.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарга кўра, ҳозирга қадар 100 бемор ушбу хасталик қурбонига айланган. Икки мингта яқин одам эса касаллик вирусини ўзига юқтириб олган.

Утган ҳафта Канаданинг Торонто шаҳрида касаллик вируслари аниқлангани ҳақида хабар тарқалган эди. Ушбу хасталикнинг Канадада ҳам кутилмаганда тез тарқалиши мамлакат ҳукуматини жиддий ташвишга солмоқда. Халқаро аэропортларда назорат кучайтирилди. Айниқса, вирус пайдо бўлган ҳудудлардан келатган йўловчилар шифокорларнинг алоҳида текширувидан ўтказилаётди.

Уткир зотилжамга ўхшаш бу касалликнинг кенг ёйилиши мамлакат аҳолисининг кундалик ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Улар касалликдан юрак олдириб қўйган. Яқинда «Ипсос—Рейд» ижтимоий тадқиқот хизмати ходимлари Торонто шаҳрида сўров ўтказди. Маълум бўлдики, аҳолининг 14 фоизи оммавий йиғилар, театр, кино ва рестороиларга бормай қўйган. 11 фоизи саёҳат қилишни тўхтатган, яна 9 фоизи эса жамоат транспортидан фойдаланишни бас қилган.

Хитойнинг жануби-шарқий вилоятлари, Вьетнам ва Таиландда аҳвол янада мураккаб. Қуни кеча Пекиндаги Халқаро меҳнат ташкилоти биноси назоратчилар томонидан ёниб қўйилди. Бунга 53 ёшлик Финландия фуқаросининг ғайриоддий зотилжам оқибатида ҳаётдан кўз юмгани сабаб бўлди. Пекин Аро исмли бу шахс мазкур ташкилотнинг Пекин бўлимида хизмат қилар эди. У 23 март куни Таиланддан келганди. Ҳозирча унинг вирусни қаерда юқтиргани аниқлангани йўқ.

Хитойнинг Гуандунг вилоятида 43 киши касаллик қурбонига бўлди. Шунга қарамай, вилоят таъмурий маркази Гуанчжоуда ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Яқинда вилоят раҳбарияти 15—30 апрель кунлари анъанавий Гуанчжоу саудо ярмараси ўтказилишини маълум қилди. Унда миңлаб хитойликлар ва хорижлик меҳмонларнинг иштирок

этиши кутилмоқда. Ғайриоддий зотилжам дунёнинг турли бурчларида пайдо бўлмоқда. Шу боис касаллик аломатлари аниқланган давлатлар ўз ҳудудида зарур чораларни кўрмоқда. Масалан, Франция санитария хизмати ходимлари аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб бораётган экан, одамларни шу кунларда Хитой, Вьетнам ва Сингапурга саёҳат қилмасликка чақирди.

Қувайт ҳукумати ҳам фуқароларни Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига бормай туришга чақирмоқда. Амириядоги халқаро аэропортларда мазкур ҳудудлардан келатган ҳар бир йўловчи қаттиқ назоратдан ўтказилмоқда. Маълумотларга кўра, бу ерда вирус аломати бориши бўлиб яқинда Сингапурдан келган 50 ёшли америкалик аёлда топилган.

Германияда аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётди. Мамлакат соғлиғини сақлаш вазири Улла Шмидт журналистларга интервью бераётган, биз бутун Германиядаги вазиятни назорат этишга олганмиз, дея таъкидлади.

Берлиндаги Роберт Кох институти раҳбари Райнхард Кохнинг таъкидлашича, айни пайтда мазкур институтнинг олим ва мутахассислари номаълум хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай касаллик тиббиёт тарихида ҳали учрамаган. Вирус тарқалишининг олдини олиш учун соҳа мутахассислари тинимсиз излашни олиб бораётди.

Узбекистонда ҳам бу борадаги хавфсизлик чоралари кўрилмақда. Хусусан, аэропорт ва темир йўл вокзалларида хориждан келатган йўловчиларни тиббий назоратдан ўтказиш, дезинфекция қилиш янада кучайтирилди. Жамоат жойларида — бозорлар, таълим муассасалари ва корхоналарда санитария-гигиена назоратига эътибор тагин ҳам ошмоқда.

Ғазалидин АРЗИЕВ, УЗА шарҳловчиси.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆

ВАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете "Ватанпарвар" принимаются в редакцию ежедневно с 9.00 до 16.00 (ком.27).

Адрес: ул.Купалева, 21 (ориентир гостиница "Россия").

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймагини белгилади:

1 АҚШ доллари 967,23
1 евро 1029,42

1/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

14-20 АПРЕЛЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 14.04

7.00 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

23.05 Боевик «Кикбоксер-мститель».

1.30 «Проект «Отражение»: «Время боя». Док. фильм. 2.35 Драма «Байкеры».

18.45 «Дружная семейка». Комедийный сериал.

20.55 «Дятлов'с». 21.20 «На углу, у Патриарших-2».

12.50 «Тайный знак». Теле-сериал.

14.00 «Ноккаут». Новости бокса. 14.30 «24». Информационная программа.

ВТОРНИК, 15.04

7.00 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

ЧЕТВЕРГ, 17.04

7.00 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

ПЯТНИЦА, 18.04

7.00 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 20.04

8.30 «Дикая планета»: «Спасатели». Док. фильм. 9.30 «Деннис-непоседа».

14 АПРЕЛЯ

16.10 «Камилла». 16.40 «Обод уйда пок одамлар йшайди».

15 АПРЕЛЯ

15.55 «Аёллар тангоси». Фильм. 17.15 Минг бир ривоят.

14 АПРЕЛЯ

17.20 «Узм любви». 17.55 «Экспресс».

15 АПРЕЛЯ

5.00 «Доброе утро». 8.00 «Новости».

16 АПРЕЛЯ

3.45 «Доброе утро, Россия!». 4.00, 4.30, 5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00.

17 АПРЕЛЯ

7.30 «Победитель». 8.00 «Ураганчики».

17 АПРЕЛЯ

5.00 Утро на НТВ. 7.50 «Смешки».

18 АПРЕЛЯ

10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00. Сегодня.

14 АПРЕЛЯ

1.45 «Открытый проект». 1.50 «Новости».

15 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

16 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

17 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

18 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

19 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

20 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

21 АПРЕЛЯ

1.00 «Новости». 1.30 «Новости».

Пятница

Суббота

Воскресенье

Понедельник

Вторник

Среда

Четверг

Пятница

**ВСЕАРМЕЙСКИЕ СОРЕВНОВАНИЯ ВОЙСК
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ**

Доминировали самаркандцы

На дистанции протяженностью девять километров участникам соревнований по военно-спортивному ориентированию предстояло с максимальной точностью обнаружить шесть контрольных пунктов. На первый взгляд, для истинных знатоков топографии задача не такая уж и сложная, но, учитывая то обстоятельство, что действовать приходилось в горной местности, даже им было не так-то просто справиться с ней. Более того, постоянно довлел фактор времени.

Представители высших военно-учебных заведений и военных округов, разбитые на две группы, рьяно принялись за дело. Однако острого соперничества, особенно среди будущих офицеров, не получилось. Хозяева состязаний — курсанты Самаркандского ВВАКУ — оказались на голову сильнее своих соперников, и все три ступени пьедестала в личном зачете заняли именно они. Первым финишную черту пересек курсант А. Хайдаров (48 мин. 42 сек.), вторым был младший сержант Б. Наметов (52 мин. 18 сек.) и на третьей позиции старший лейтенант М. Мамадминов с резуль-

татом 55 мин. 18 сек. Такая же картина наблюдалась и в эстафете, что и позволило самаркандцам первенствовать в этом виде программы Всеармейских соревнований. А в числе призеров значатся курсанты ТВОКУ и ЧВТКУ, занявшие, соответственно, вторые и третьи места.

Во второй группе, где отношения выясняли спортсмены военных округов, лаврами победителя увенчали себя представители ВПВО и ВВС. Необходимо отметить, что в последнее время эта команда заметно прогрессирует и располагает хорошими шансами на общий успех. Вслед за ней расположились мастера спортивного ориентирования из ЮЗОВО и ВВО.

Согласно календарному плану, следующий этап Всеармейских соревнований состоится в начале июня. На Форижском полигоне (ЦВО) в борьбу вступят горные троеборцы. Согласно условиям состязаний, им предстоит преодолеть горную полосу препятствий, продемонстрировать навыки скалолазания и совершить марш-бросок на пять километров.

ФУТБОЛ. ЛИГА ЧЕМПИОНОВ. 1/2 ФИНАЛА

ПО ИГРЕ И РЕЗУЛЬТАТ

«БЕК Торо Сасана» (Ташкент) — «Пахтакор» (Ташкент) — 3:1.

Свой первый полуфинальный матч столичный «Пахтакор», к сожалению, проиграл. И оправданий этому поражению — нет. Чемпион Узбекистана сыграл гораздо ниже своих возможностей, ни в одной из его линий не было даже намека на обдуманную комбинационную игру. Особенно подвела наших футболистов защита. На ее счету масса ошибок, которые вылились в пропущен-

ные мячи. Только у одного Виталия Джалилова их наберется добрый десяток. Не лучшим образом проявили себя и полузащитники, державшие почти весь матч на «голодном» пайке нападающих. Не помог «Пахтакору» и выход на поле Миржаззола Касымова. И хотя не без его участия ташкентцы забили гол, но это слабое утешение. Однако одурачить руки не стоит... Спустя две недели — ответная встреча в Ташкенте.
Ярослав КОРУКА.

ТЕЛЕАНОНС

«БАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

20 апреля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске тележурналисты Военной студии подготовят репортажи из частей и подразделений военных округов и различных гарнизонов о ходе первого этапа контрольной проверки за зимний период обучения. Также в передаче для телезрителей будут показаны сюжеты в постоянных рубриках передачи, давно полюбившиеся широкой зрительской аудитории.


Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 22 апреля, в 16.55.

Наш корр.

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД,
ОПУБЛИКОВАННЫЙ
В № 41**

- ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 5. Слепень. 6. Василек. 10. Нарва. 11. Ишнас. 12. Поручение. 15. Тормоз. 18. Аргель. 19. Кальмар. 20. Аксиома. 21. Суффикс. 25. Пейджер. 26. Ногурт. 27. Платок. 31. Завалинка. 33. Ляссе. 34. Панда. 35. Тактика. 36. Монисто.
- ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Слово. 2. Лесбос. 3. Астрид. 4. Верша. 7. Равноли. 8. Печенье. 9. Таволга. 13. Иносфера. 14. Трентикале. 16. Дармоед. 17. Табурет. 22. Особняк. 23. Идеолог. 24. Блокада. 28. Самнит. 29. Оксана. 30. Оскал. 32. Катта.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Государство со столицей Дакка. 8. Напиток бессмертия в индуизме. 9. Норвежский исследователь Арктики. 12. Верховный бог в ведической религии. 13. Порт в Иордании. 14. Специальное большое здание для верховой езды и конных упражнений. 17. «Глаза — ... души» (погов.). 18. Мастер, специалист по шитью одежды. 19. Краткое выразительное изречение. 21. Меланезия, Полинезия как совокупность островов. 25. Река в Абхазии. 26. Румынский климатический курорт. 27. Немецкая серебряная монета. 30. Денежная единица Монголии. 31. Степное парнокопытное полорогое животное семейства ан-

тилоп. 32. Машина, движущаяся по рельсам.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Обращение крестьян к помещику. 2. Обработка драгоценных камней. 3. Возлюбленная (устар.). 4. Горная антилопа с загнутыми рогами. 6. Некто. 7. Французский философ, математик, физик. 10. Система обмена данными в компьютере. 11. Двухколесное средство передвижения. 15. У страха они велики. 16. Тара, 200 литров. 20. Столица Бирмы. 22. Рыба-ползунок. 23. Буква греческого алфавита. 24. Свободное, обширное пространство. 28. Стихотворная форма монгольского эпоса. 29. Ограничение.

Подготовила
З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Есть основной заработок. Прекрасные отношения с друзьями. Можно рассчитывать на их помощь и протекцию. Не надо спорить в семье и с деловым партнером. Не требуйте слишком много. С начальством и властями удастся договориться позже.

ТЕЛЕЦ. Есть удача. Хороший заработок. Успешны поездки и переговоры, подписание документов. Хорошие отношения на работе с начальством, коллегами и подчиненными. Конфликт в семье и с деловым партнером. Однако можно рассчитывать на помощь и протекцию со стороны друга.

БЛИЗНЕЦЫ. Рост авторитета, интересные идеи, важные планы. Дополнительный заработок. Прекрасные отношения с друзьями. Женщина мешает решению юридических вопросов. С начальством отношений нет. Не надо ставить перед собой слишком большие цели.

РАК. Настроение веселое. Легче относиться к жизни. Все будет хорошо. Основной заработок увеличивается с помощью друзей. Есть дополнительные доходы, это может быть кредит или возврат долга. Приезжает родственник из-

далека. Хорошие отношения с банком и налоговой инспекцией. Не надо спорить с инспектором ДАН.

ЛЕВ. Конфликт в семье и с деловым партнером. Напряженная обстановка дома. Плохое взаимопонимание с сотрудником. Все в порядке с поездками и переговорами, с автомобилем и телефоном. Больше внимания здоровью. Воздержитесь от чрезмерного «веселья».

ДЕВА. Предчувствие неприятностей, депрессия. Все хорошо дома, возможно приобретение в дом каких-то полезных вещей. Велика вероятность заболеть. Конфликт с ребенком. Плохие отношения в коллективе. Успешны поездки и судебные дела.

ВЕСЫ. Лучше серьезные решения переложить на плечи делового партнера. Не рекомендуются поездки и оформление документов. Возможна конфликтная ситуация. Плохие отношения с банком и налоговой инспекцией. С начальством — можно и нужно обсуждать перспективные проекты. А в суд и к юристам лучше не обращаться — результат будет значительно меньше ожидаемого.

СКОРПИОН. Хороший зарабо-

ток. Прекрасные отношения с соседями и близкими родственниками. Успешны короткие поездки, переговоры и оформление документов. Все хорошо с домом и недвижимостью. Затруднения в бизнесе и личной жизни. Есть опасность заболевания. Отвратительные отношения с деловым партнером. Лучше не обращаться в суд.

СТРЕЛЕЦ. Есть легкий заработок, основной и дополнительный. Успешны поездки и переговоры. Хорошие отношения с банком и налоговой. Конфликт на службе. Трудности в бизнесе. Низкая энергетика, нельзя врать.

КОЗЕРОГ. Хорошие перемены, успешны поездки и переговоры. Есть удача в бизнесе. Все хорошо в семье. Не рекомендуются тайные действия — все выйдет наружу. Хорошие неформальные отношения с начальством и властями.

ВОДОЛЕН. Не рекомендуются быстрые решения. Успехи в бизнесе. Напряженные отношения в семье и с деловым партнером. Хороший дополнительный заработок. Можно брать кредит. Все успешно решается в суде. С друзьями все в порядке. Возможно куда-нибудь поехать в дальние края.

РЫБЫ. Рост авторитета, важные решения, новые планы. Неплохой заработок. Расширение круга знакомств, прекрасные отношения в семье и с деловыми партнерами. Возможен конфликт с начальством и представителями власти. Лучше не садиться за руль. Можно путешествовать на самолете или на поезде.

Узбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий судининг раиси О. Якубовга падари бузруквор
ЯКУБОВ Рўзим
отгани вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокурори Нигматилла Абдуллаевга волидан муҳтарамаси
Вазира ая МАДЖИДОВА
вафот этганлиги муносабати билан ҳуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
полковник
И. Ҳ. АБДУКАРИМОВ

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.
КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-48.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.
Рег. № 00050.
Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».